



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

34 (42) 2009 йил 26 август, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси


www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliy@sarkor.uz



Фракция йиғилиши

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди.

→ 2-бет



Шофайзи ота

Умр дарёси оқиб ўтар экан, бу кўҳна дунёнинг хотира дафтариди фақат яхши ном қолдирибгина саодатга эришмоқ мумкин. Келажак авлодлар сени қувонч билан эсламас экан, демакки, тирикликдан эзгу ном қолдирмаганинг белгисидир бу...

→ 6-бет



Дафтарлар муқоваси

Газетамизнинг ўтган сониди ёзув дафтарларнинг муқовалари ҳақида таҳлилий мақола чоп этилиб, унда матбаа маҳсулотларининг сифати, мафқураси, маънавийтимизга таъсири, ота-оналар, ўқувчи-ёшлар ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тилга олинганди.

→ 7-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон – "Олтин юлдуз" медаллари топширилсин:

Иброгимов Комил - "Навоий-иссиқлик электр станцияси" очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш техника бўлими смена бошлиғи, Навоий вилояти

Нарзиёв Тўра Икромович - "Аму-Бухороканалқурилиш" акциядорлик жамиятига қарашли 4-кўча механизациялашган жамланма экскаваторчиси, Бухоро вилояти

Тўйчиев Алим Исмаилович - "Ўзбекистон металлургия қўшма корхонаси" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пўлат эритиш цехи эритувчиси, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 август



Иброгимов Комил



Нарзиёв Тўра Икромович



Тўйчиев Алим Исмаилович



инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг бош омилидир

АЙЁМ

Жаҳон харитасида янги Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлганига атиги 18 йил тўлди. Лекин тарих учун бу оний қисқа муддат ичида асрларга татигулик ривожланишлар рўй берди. Асрлаб мустақил давлат остида ўзгирини йўқотаётган Ўзбекистон қисқа давр ичида жаҳон ҳамжамиятининг ўзига муносиб ва тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Ҳар қандай халқаро ва давлатлараро муносабатларда Ўзбекистоннинг ўз ўрни бор, унинг қарашлари доимо эътиборга молик, ҳар қандай халқаро муаммоларни ечишда Ўзбекистоннинг рўйи-хоҳиши эътиборга олинади. Албатта, тарих нигоҳида бу ақлбодар қилмас тараққиёт, олдинги интилиш, инсон салоҳиятининг яратувчилик куч-қудратини намойиш бўлиши, фидойиллик ва бунёдкорликнинг олий намунаси.

Албатта, бу буюқ ўзгаришлар замирида мамлакат Президентини Исрол Каримов томонидан янги давлат ва жамият қуришнинг ўзига хос йўли – "Ўзбек модели"нинг ишлаб чиқилиши,

уни амалга оширишга доир ислохотлар ётади. Мамлакатнинг миллий тараққиёт йўли тажрибаси ва унинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб Юртбошимиз томонидан фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг беш тамойилининг ишлаб чиқилиши ва уларни ислохотларнинг асосий концептуал доктринаси қилиб олинганлиги, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини "Ўзбек модели"га хос ис-

лохотларнинг асосий тамойили сифатида қабул қилинганлиги туфайли ҳам мамлакат қисқа давр ичида асрларга татигулик йўлини босиб ўтишга эришди. Президент Исрол Каримов мустақиллик йилларида мамлакат эришган улкан ютуқларни сарҳисоб қилар экан, қуйидаги фикрларни билдирган эди: "...мамлакатимизни ислохот этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда биз миллий қадриятлари-

миз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик. Шу билан бирга, муваффақиятли ва барқарор ривожланишнинг замонавий демократик давлат қуришнинг ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва қабул қилиш ҳам диққатимиз марказида бўлди".

(Давоми 4-бетда)



МИЛЛИЙ ДАСТУР – МИЛЛАТ ҚАНОТИ

Биринчи қўнғироққа тайёрмиз

Мамлакатимизда мактабларни замон талаблари даражасида қуриш, таъмирлаш ва моддий техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Қолаверса, юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва манتيқий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ҳам қабул қилинган. Ушбу дастурга асосан Бухоро вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

Маннон Отабой,
"Milliy tiklanish" мухбири

Яқинда мактабларнинг янги ўқув йилига тайёргарлигини кўздан кечириш мақсадида Когон туман халқ таълимига қарашли 20-ва 1-сон ўрта таълим мактабларида бўлди. 20-сон ўрта умумтаълим мактабига кириб борарканмиз, мактаб ҳовлисида ишляётган уста-

ларга нималарнидир ўқтираётган аёл — мактаб директори Зулфия Тўйевани учратдик. У киши нафақат ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия беришга бошқош, балки жамиятнинг сиёсий фаол вакиллари саналади. Зулфия опа бир қанча вақтдан буён Ўзбекистон «Миллий тик-

ланиш» демократик партиясининг Когон туман кенгаши Ижроия қўмитасининг ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият олиб боради.

250 ўринга мослаштирилган ушбу бино чиройли ва ихчамлиги билан эътиборимизни тортди. Поллар ҳамда девор панеллари оппоқ бўёқлардан чиқарилган. Синф хоналари тўлиқ таъмирланган. Мустақиллик байрамни муносиб кутиб олиш учун мактаб жамоаси ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқда. Бу ерда туман ҳокимлиги ва туман халқ таълими бўлими ёрдамида янги ошхона қурилмоқда. Мактабда 3825 та китоб фондига эга бўлган мўъжазгина кутубхона бўлиб, шундан 1200 тасини бадий адабиётлар ташкил этади.

(Давоми 5-бетда)

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Х.Дўстмуҳамедов олиб борди.

Фракция йиғилиши

Фракция йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилиши муҳокамасига киритилиши назарда тутилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Мустақиллик йилларида архив иши – архив ҳужжатларини бутлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва ўтмишимиз ҳамда бугунимизнинг турли йўналишларини ўрганиш натижаларини жамоатчиликка етказиш йўлида кўп ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда республикамизда 120 та архив муассасаси, 7600 га яқин идоравий архив фаолият кўрсатмоқда. Миллий архив фондига киритилган 8 миллиондан ортиқ сақлов бирлигида юз миллиондан кўпроқ архив ҳужжатлари мавжудлиги юртимизда бу соҳага бўлган эътибор ва салоҳият нақадар улкан эканлигидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда)

ИЗҚОР

Тинч элга байрамлар ярашади

маҳалладан бошланган Ватанда шодиёналар давом этмоқда

Ҳар йили мустақиллик байрамни орақиб кутамиз. Айниқса, бу йилги истиқлол айёмининг шуқуҳи, таровати ўзгача. Энг улғу, энг азиз байрамимиз қадимий ва ҳамisha навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи билан биргаликда ўтказилмоқда. Қўшалок байрам руҳи ҳозир юртимизнинг ҳар бир гўшасида кезиб юрибди.

Элда бугун руҳ ўзгарди, одамлар ва замон ўзгарди, тараққиёт эшиги, меҳр-оқибат бешиги бўлган маҳаллалар ўзгарди. Эътибор бердингизми, истиқлол байрами олдиндан одамлар ҳовлиларини тозалаб оқлашга, кўчаларга гул экишга, байрам ўтказиш жойларини ободонлаштиришга киришиб кетди. Улкан ҳашар, ободончилик ишлари қизгин анъанага айланиши натижасида юртимиз чирой очди, янги, ҳашаматли бинолари қўриб, ҳайратланасан киши.

Хўш, савол туғилади: бундай ютуқлар нима эвазига қўлга киритилаяпти? Албатта, бунинг туб замирида тинчлик-осойишталик ётади. Ҳозир биз гўвоҳи бўлиб турган шодиёналар, одамлар орасидаги кўтаринчилик муҳити аввало ҳуқуқимиз томонидан олиб борилган тўғри сиёсат ва ислохотлар ҳамда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик натижасидир. Бу бизга кучли ва тараққий этган давлат қуришга қатъий ишонч берди. Айна шу туфайли аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб, иқтисодий, маънавий-мафқуравий жиҳатдан катта ўсишларга эришилди. Шуларни ўйлаб, ҳар кунги ёки кунора оммавий ахборот воситалари орқали айрим қўшни давлатларда ҳукм сураётган нотинчлик, фуқароларнинг эртанги кунга ишонч сўниб бораётганини қўриб, бугунги кунимизга шуқороналар айтамыз.

Файзулла МАННОПОВ,
Ўчтепа тумани Абдулла Қодирий номи маҳалла раиси

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Фракция йиғилиши



(Давоми. Боши 1-бетда)

Энг муҳими, улар мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасининг кўп асрлик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг турли йўналишларини ўзида акс эттиради.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилларда тизимда жиддий ижобий ўзгаришлар кузатилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида архив ишлари бошқарилгани янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси "Ўзархив" агентлигига айлантирилди. Жумладан, агентлика архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, архив иши соҳасидаги қонун ҳужжатларининг амалда бажарилишини ҳамда уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, Миллий архив фонди ҳужжатларини шакллантириш, уларнинг сақланиши, давлат ҳисобини таъминлаш ва улардан фойдаланиш, республика давлат архивларини бошқариш, уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш ва яна бир қатор ваколатлар берилдики, булар соҳа билан боғлиқ ислохотларнинг янги bosқичи бошланганидан далolatдир.

- Амалдаги "Архивлар тўғрисида"ги қонун-

да соҳа ҳолати, ривож учун мутасадди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари белгиланмаган, - деди лойиҳа юзасидан тушунтириш берган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Азамат Зиё. - Бундан ташқари, архив муассасаларининг мулк шаклига кўра турлари, уларни қайта ташкил этиш, тугатиш тартибига доир масалалар ҳам қайта кўриб чиқилди. "Архив иши тўғрисида"ги қонун лойиҳаси архив соҳасидаги бугунги воқелик ва келгуси жараёнлар талабларига жавоб бера олади дейиш мумкин.

Йиғилишда фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга муштарак эканлигини айтиб ўтдилар.

Мухокама якунида билдирилган таклиф ва тавсиялар эътиборга олинди, қонун лойиҳаси маъқулланди.

Фракция йиғилишида Давлат бюджетининг 2009 йил биринчи ярим йиллиги бўйича ижроси якунлари кўриб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан ҳисобот берган Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев, жумладан шундай деди:

- Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2009 йил биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини изчил амалга ошириш, шунингдек инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш натижасида иқтисодийнинг барқарор ва мувозанатлашган ўсишига эришилди. Бу давр ичида ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,2 фоизга ошди. Саноатнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар эъзига ушбу соҳадаги ўсиш 9,1 фоизни ташкил этди. Қишлоқ ҳўжалигидаги кўрсаткич эса 4,6 фоизга тенг бўлди. Ярим йиллик даврида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 13,1 фоизга, чакана товар айланмаси 17,7 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 18,5 фоизга ўсди.

Таъкидланганидек, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳисобига Давлат бюджетининг даромадлари 100,8 фоизга бажарилиди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Иқтисодиётда солиқ юқини камайтиришга доир кўрилган чора-тадбирлар хусусий сектор корхоналарида ишлаб чиқаришни фаоллаштиришга ёрдам берди. Бунинг натижасида ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда фойда солиғи бўйича тушумлар қарийб 26 фоизга, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови бўйича тушумлар 45,1 фоизга ўсиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бир фоизга ошди. Давлат бюджети харажатларининг 54 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, хусусан, таълим соҳаси муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш учун ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 58 фоизи йўналтирилди.

Шунингдек, депутатлар Қонунчилик палатаси йиғилиши муҳокамасига биринчи ўқишда киритилиши назарда тутилган "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтани-назари белгилаб олинди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сарвар ХУРРАМОВ,
"Millyi tiklanish" мухбири

ШУКУХ

Истиқлол саодати

уни ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида сезиб турибди

Мустақиллик байрами арафасида ЎзМТДП ташкилотлари нафақат вилоят ва туман марказларида, шу билан бирга олис қишлоқлар ва овулларда ҳам истиқлолимизга бағишланган оммавий-сиёсий ва маданий-маърифий тадбирларни ўтказишмоқда. Пискент туманидаги Худоёр Мирзатилаев фермер ҳўжалиги дала шийпониди бўлиб ўтган "Мустақиллик - энг улуг, энг азиз қадрият" мавзусидаги тадбирга партия вилоят ва туман кенгаши фаоллари, туманда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчилар, фермер ҳўжаликлари аъзолари, ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари иштирок этишди.

- Юртимизда байрамлар, шодиёналар кўп. Бирок, Мустақиллик байрами халқимизнинг энг улуг ва юрагига яқин байрам сифатида ўзгача руҳ ва шўкух билан нишонланади,- деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. - Мустақиллик ва миллий тикланиш гоёлари бир-бири билан уйғун ва боғлиқ кетган. Бугун юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси

билан барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ва кенг миқёсли бунёдкорлик замирида халқимиз ва миллатимиз қаддини тиклаш, юртимизни энг тараққий этган мамлакатлар сафидан муносиб жой олишини таъминлаш сингари эзгу мақсадлар мужассам. Истиқлол шарофати ва имкониятини ҳар бир фуқаро ўз ҳаёти ва оиласи тақдирини сезиб, ҳис қилиб турибди.

Нотик, шунингдек, партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ЎзМТДП вилоят ва туман ташкилотлари олдида турган вазифалар хусусида ҳам тўхталиб, партия кенгашлари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Игорь Корнев, Сурайё Аҳмедова ҳам мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига алоҳида тўхталиб, мустақиллик ва миллий гоё, одамларимиз турмуши ва онгида содир бўлаётган ўзгаришлар моҳияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

ЎзМТДП ўз тадбирларига шоир ва ёзувчиларни, санъаткор ва рассомларни таклиф қилиб, улар билан йиғилганларнинг ўзаро мулоқотини ташкил қилишни йўлга қўйган. Бу сафар ҳам танқилик санъаткорлар, журналист-ижодкорлар ва шоира Фариди Афрўз тадбир иштирокчиларини шеър ва кўшиқлар билан хушнуд этишди.

Мустақиллик байрами муносабати билан ва партия ишларида фаол иштирок этгани учун партия Пискент туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Абдулло Эшонкулов ЎзМТДП Марказий Кенгаши Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Тадбир давомида партия сафига кирган янги аъзоларга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Дилноза ЖУМАНИЁЗОВА

ЎЗМТДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ




Сизларни кўшалок байрам -
Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги
ва пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг
2200 йиллиги
шодиёналари билан қутлаймиз.
Тинчлик, бахт, шодлик
донмо ҳамроҳингиз бўлсин!

МАМЛАКАТИМИЗ ЯНАДА ГУЛЛАБ ЯШНАЙВЕРСИН!

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР! ЎЗМТДП САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Юртимиз аҳлини мамлакатимиз мустақиллигининг
18 йиллик санаси ва азим пойтахтимиз Тошкент
шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан
самимий муборакбод этади.

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

СУХБАТ

Маънавиятимизнинг бебаҳо дурдоналарини эъзозлаш бурчимиз

дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Абдуқаюм Каримов

Дилноза ҲАЙИТОВА, Ориф ХОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбирлари

— "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партиялар ўрни ва нуфузини оширди, дея сўз бошлади партия вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси. — Бугунги давр сиёсий партиялар зиммасига фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаоллигини ошириш, сиёсий онг ва маданиятини юксалтиришдек долзарб вазифаларни юклардан фаоллик талаб этади.

— **Сиёсий партия олдида турган энг асосий вазифа - бу жамоатчилик фикрини шакллантиришдан иборат. Айнан қайси жиҳатлар орқали бунга эришиш мумкин? Умуман олганда, вилоят кенгаши фаолиятида бу масалага қай даражада эътибор берилмоқда?**

— Жуда тўғри. Партиянинг муҳим вазифаларидан бири ижтимоий фикрни шакллантиришга таъсир ўтказиш эканлигини ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаслик керак. Жамоатчилик доимий равишда партиянинг дастуру лойиҳалари, режаларидан хабардор бўлиб туриши лозим. Нафақат партия аъзоси, барча фуқаро ҳам бугунга келиб лоқайдлик, эътиборсизлик жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатишини тушуниб етиши керак. Тадбирлар, давра суҳбатлари, ўқув-семинарларга аҳолини кенг жалб этиш орқали бизнинг, яъни партия фаолиятига нисбатан жамоатчилик фикри тўғрилади. Улар эса бевоқифа ҳар бир фуқарода масъулият, жавобгарлик ҳисси, ватан раънақи ва фаровонлиги йўлида фидойиликни сезишга ундаши лозим. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят кенгаши томонидан 150 дан зиёд турли мавзулардаги тадбирлар

ўтказилиб, уларда 25130дан зиёд аҳоли иштирок этди. Бу нимани аниқлади? Энг аввало, партия фаолиятини жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқ этиш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини етказиш ва фуқароларда юрт истиқболи учун дахлдорлик туйғусини ўстиришга хизмат қилади. Жумладан, февраль ойда Самарқанд шаҳрида "Баркамол авлод-обод Ватан келажак" шiori остида ўтган минтақавий ёшлар форумида минг нафарга яқин ёшларнинг иштирок этгани уларни партия "Ёшлар қаноти" мақсади ва вазифалари билан янада кенгроқ таништиришга имконият яратди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросига қаратилиб, партия

худудий ташкилотлари томонидан ўтказилаётган "Соғлом авлод оилада етуқлик таянчи", "Обод қишлоқ — юрт кўрки", "Қишлоқ тараққиёти юрт истиқболи", "Обод хонадон — маҳалла кўрки" каби мавзулардаги тадбирлардан қўзланган мақсад ҳам мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кенг қўламадаги ишларни тарғиб-ташвиқ қилиш орқали уларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунириш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришдир.

— **Халқ депутатлари маҳаллий кенгашидаги партия депутатлар гуруҳлари фаолиятини қандай баҳолаган бўлардингиз?**

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий дастурий мақсадлари ҳақида гапирганимизда, энг аввало, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, миллий анъаналарни, қадриятларни тиклаш ва уларни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш сингари вазифалар кўз

олдимизда гавдаланади. Миллий қадриятларни тиклаш, ўзликини англаш, мустақиллик мафқурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида ўзбекона урф-одатлар ва анъаналарни тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш фаолиятимизнинг асосий мезонидир. Бу мезон халқ депутатлари маҳаллий кенгашидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятида ҳам ўзининг амалий ифодасини топомқда. Шаҳримиздаги меъморий обидалар, зиёратгоҳлар, қадимий қадимжоларнинг муқаддаслигига, уларни асраб-авайлашга аҳоли, хусусан ёшларда эътиром ва эътибор тушунчаларини янада кучайтириш доимий диққат марказимиздаги масала. Айни кунда маҳаллий кенгашилардаги депутатлар сони 52 нафарни ташкил этади. Саволингизга қайтайдиган бўлсак, вилоятдаги энг мўътабар маскан "Ҳазрати Ҳизр" мажмуасининг янада обод бўлишида партия аъзолари фаоллик кўрсатишди. Шунингдек, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашидаги партия депутатлар гуруҳи саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан шаҳардаги қабристонларда дабдабали ёдгорликлар ўрнатиш ва ўзбошимчилик билан бўш ерларни эгаллаб олиш масаласининг кўтариб чиқилгани ва кун тартибига киритилгани ҳам айни дамда жуда долзарб ва партиявий мақсадларимизга мосдир. Депутатлар ташаббуси билан бу каби тартибсизликларнинг олдини олиш учун қабристонлар атрофидаги маҳаллалар фаолларидан иборат назорат гуруҳи тузиш ва уларнинг мунтазам фаолият олиб боришини йўлга қўйиш ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

— **Масъулиятли дамлар тобора яқинлашмоқда. Пухта тайёргарлик эса ижобий натижани таъминлайди. Шундай эмасми?**

— Саволингизни тушундим. Дарвоқе, катта сиёсий жараёнлар қаршида турибмиз. Сайловларни партиянинг ўз электорати олдидаги амалий ҳисоботи ҳам дейиш мумкин.

Жорий йилнинг декабрь ойда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий кенгаши сайловларига тайёргарлик бўйича кенгашида иш қизгин тус олган. Хусусан, барча депутатликка номзодларнинг заҳираси шакллантирилмоқда. Номзодларни танлаш жараёнида уларнинг билими, партияга алоқадорлиги ва фаоллиги, халқ орасидаги бўрси, малакаси ва сиёсий савиясига катта эътибор қаратилмоқда.

Айни дамда улар Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Концепцияга мувофиқ, ФЖУИ вилоят МАТМ ҳамкорлигида ўтказилаётган туркум ўқув-семинарларда иштирок этиб, сиёсий билимларини тобора бойитишмоқда.

— **Абдуқаюм ака, сиз билан мустақиллик байрами арафасида суҳбатлашиб турибмиз...**

— Истиқлолнинг 18 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида ЎЗМТДП вилоят кенгаши томонидан алоҳида иш режа ишлаб чиқилиб, бу борада тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирлар моҳияти "Мустақиллик биз учун — Ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир" деган улғувор ва эзгу ғояларни ўзида мужассам этади. Уларда мустақиллик ва миллий тикланиш ғояси бири бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор маданий меросимиз, кўхна урф-одатларимиз ва анъаналаримиз қайта тиклангани, миллий ва умумбашарий қадриятларига уйғун бўлиб яшашдек турмуш тарзи шаклланиши қалбимизни чексиз қувончга тўлдирди. Фурсатдан фойдаланиб партиядошларимиз ва хайрихоҳларимизни энг улғув ва азиз байрам — Мустақиллик куни билан ЎЗМТДП Самарқанд вилоят кенгаши номидан чин дилдан муборакбод этаман.

ШОДИЁНА

Яқинда Ғофур Ғулom номидаги маданият ва истироҳат боғида ЎЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан юртимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда жонажон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб "Шу азиз Ватан барчамизники" мавзусида оммавий-маданий, санъат ва спорт байрам сайли бўлиб ўтди. "Бу байрам-барчамизники, бутун халқимизники" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ушбу тадбир истиқлолнинг ёш авлод, хотин-қизлар, барча миллат ва элат ҳамда бутун халқимиз тақдирида намоёнлигини акс эттириши, она Ватанга муҳаббат, садоқат, бунёдкор ва ишодкор халқимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳини тараннум этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шу азиз Ватан барчамизники

мавзусидаги байрам сайли барчага хуш кайфият бағишлади

Махбира АБДАЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Тадбирни ЎЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Насиба Миродилова кириш сўзи билан очди. Шоир Нуриддин Аминжонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов ҳамда иқтидорли хонандалар ўзларининг дилтортар куй-қўшиқлари билан байрамга янада хушнудлик бахш этишди.

Юртбошимиз томонидан истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ёшларни рағбатлантириш мақсадида "Ниҳол", "Зулфия" номидаги Давлат мукофотлари жорий этилди. Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори З. Тазитдинова ҳам иштирок этиб, мамлакатимизда ёшларга берилётган эътибор хусусида гапирди. У ўзининг спорт соҳасида эришаётган барча ютуқлари омили истик-

лол, у берган катта имкониятлар эканлигини таъкидлади.

Байрам сайлидан ўрин олган "Спорт менинг ҳаётим" қисмини истироҳат боғи қошидаги "Ишонч" ногирон ёшлар спорт клуби аъзолари ўзларининг чиройли чиқишлари билан давом эттирдилар. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳозирги кунда клубга 100 нафарга яқин имконияти чекланган ёшлар аъзодирлар. Клуб аъзолари орасида Марк Осипов, Амир Белялов, Убайдулло Имомқулов сингари республика, осие ва жаҳон чемпионатлари голиблари бор. Ёш спортчиларга ЎЗМТДП Чилонзор туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Дониёр Аюпов байрам совғалари ва ўйингоҳлардан бепул фойдаланиш йўлланмаларини топшираётган вақтида улар кўзидаги хурсандчилик ва бахтиёрлик ҳиссини сезиш қийин эмасди.

Тадбирда пойтахт вилояти Қибрай туман қишлоқ хўжалик меҳнатқашларининг меҳмон бўлиши сайилнинг оммавийлигини таъминлади.



ЎЗМТДП НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Қўшалоқ байрамлар - энг улғув ва энг азиз байрам
Мустақилликнинг 18 йиллик шодиёнаси ҳамда
пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг муборак 2200
йиллик тўйи муносабати билан қизгин табриклайди.



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!



ЎЗМТДП АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Жаннатмакон юртимиз халқини энг азиз байрам -
Мустақиллик куни ҳамда жонажон шаҳримиз
Тошкентнинг 2200 йиллик қутлуг
санаси билан табриклайди.

Ватанимиздаги тинчлик-осойишталик,
хонадонларимиздаги
хотиржамлик ва фаровонлик умрбоқий бўлсин!



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

АЙЁМ
(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, мамлакатда бозор муносабатлари асосидаги иқтисодий таъминнинг шакллантирилганлиги, иқтисодийнинг мафкурадан холи қилинганлиги ва унинг сиёсатдан устунлигини эътироф этиш, барча ўзгаришларни амалга оширишда давлатнинг бош ислохотчилик роли ҳамда ҳуқуқий давлат учун хос бўлган жамиятда қонун устуворлигига амал қилинганлиги, давлатнинг аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини олиб борганлиги, ривожланишнинг ҳеч бир зўриқилмасиз тадрижий йўли танланганлиги натижасида юртимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг барча шарт-шароитлари яратилди.

Айниқса, миллий давлатчилик асосларининг миллий анъаналар ва демократик қадриятлар талаблари асосида барпо этилиши миллий манфаатларимизни ифодалашдан ташқари халқаро демократик тамойилларга ҳам ҳар томонлама мувофиқ келди. Мамлакат қисқа давр ичида жаҳондаги барча халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан демократик қадриятлар асосида ислохотларни чуқурлаштириб бораётган давлат сифатида эътироф этилди.

Мустақиллик йилларида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим тамойилларидан бири - давлат органлари ва сиёсий, ижтимоий, фуқаролик институтларининг ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлаш асосида жамиятдаги турли ижтимоий келишмовчиликларнинг олдини олиш, мамлакатнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Шунингдек, давлат ҳокимияти органларини эркинлаштириш, бошқаруving ҳақиқий демократик тизимга ўтиши, уларнинг бюрократизм ва коррупция иллатларидан тозалаш, аҳолини ҳокимият органлари билан ўзаро мулоқотларини яқинлаштириш масалаларини ҳал этиш мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш ҳамда ҳокимият органлари устидан жамоат институтлари назоратини ўрнатиш, яъни

ҳокимият органларини номарказлаштириш тамойиллари асосида амалга оширилди.

Мамлакат 2001 йилдан эътиборан ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислохотлар ва ўзгаришларнинг иккинчи босқичи - фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврига кирди. Бу даврда иқтисодий-барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар со-

ҳондаги ана шундай вазиятда ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти бир маромда барқарор ривожланиш босқичини давом эттирди.

Мамлакат Президенти Ислам Каримов бошчилигида давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатни молиявий ва иқтисодий инқироздан ҳимоялаш жараёнлари ўз натижасини бера бошлади. Жумладан, жаҳонда энг кучли давлатларнинг ялпи ички маҳсулотидagi ўсиш суръатлари кескин пасайиб кетаётган бир пайтда Ўзбе-

лотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ўсишига эришилди.

2009 йилнинг июнида Халқаро Валюта Фондининг директор-бошқарувчиси Доминик Стросс-Кан ўзининг Тошкентга қилган сафарида Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози шароитидаги барқарорлигини эътироф этиб, бу ҳолатни иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун сезиларли ресурсларни тўплаш олган ва узққни мўлжаллаб олиб борилаётган давлат сиёсатининг натижаси, деб баҳола-



Мустақиллик

инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг бош омилidir

ҳаларни изчил ислохот қилиш ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий асослари мустаҳкамланиб, улар давлат ҳокимияти ва жамиятнинг барқарор тизими асосида ривожланишининг мустаҳкам пойдеворига айланиб, мамлакатнинг барқарор ва босқичма-босқич ривожланишини таъминлаб бермоқда. Ҳаттоки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам мамлакат иқтисодиёти бир маромда ўзининг динамика ривожланиш йўлини давом эттирмоқда. Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози натижасида энг йирик компаниялар индекслари ва акциялари қиймати фонд бозорларида тушиб кетди. Йирик банклар ва бошқа молиявий тузилмаларнинг ликвидлик қобилияти ҳам кескин пасая бошлади. Натижада, жаҳондаги аксарият мамлакатларда иқтисодий ва ишлаб чиқариш суръатлари кескин камайиб кетиши ишсизлик ва бошқа ижтимоий салбий ҳолатларни келтириб чиқара бошлади. Жа-

кстонда бў кўрсаткич 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилнинг биринчи ярмида эса 8,2 фоизни ташкил этди. Ўтган ярим йил ичида 2008 йилнинг биринчи ярмига нисбатан инвестицияларнинг ўсиш суръати 132,7 фоизни, саноат маҳсулотлари ҳажми 9,1 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,1 фоиз, қурилиш ишлари 32,5 фоиз, чакана товар айланмаси 17,7 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 18 фоиз ўсди.

Шунингдек, 2009 йил ярмига келиб тижорат банкларининг барча капиталли йил бошига нисбатан 11 фоизга ўсди, банкларнинг активлари эса 23,2 фоизга ўсди. Натижада тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторига инвестиция мақсадларида қўйган кредитларининг умумий ҳажми 78,5 фоиз, аҳоли ва ҳуқуқий шахсларнинг депозитлари 24,4 фоиз, шу жумладан, аҳоли депозитларининг ўзи 25,3 фоиз ўсди.

Шунингдек, 2009 йилда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган давлат дастурини амалга ошириш жараёнлари ўз натижаларини бера бошлади. 2009 йилда барча қишлоқ хўжалик маҳсу-

ди. Шунингдек, жаноб Стросс-Кан Халқаро Валюта Фондининг башоратларига кўра Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш суръатлари ҳозирги кунда дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири эканлигини таъкидлаб ўтди. Кўриниб турибдики, мамлакат жаҳондаги турли иқтисодий ва молиявий ўзгаришлар таъсирида ҳам ўзининг барқарор иқтисодий ривожланишини давом эттира оладиган салоҳиятли давлатлар қаторидан жой олди. Бу, албатта, мустақилликнинг ўтган 18 йили ичидаги эришилган мисли йўқ ривожланиш натижасидир.

Мамлакатда мустақилликни мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги ислохотлар изчиллигини, уларни босқичма-босқич ривожланиб боришини замонавий талаблар даражасида қабул қилинган қонунлар таъминлаб берди. Мамлакатда мустақилликнинг шарофати билан икки палатали парламентнинг шакллантирилиши натижасида мамлакатни модернизациялаш шарт-шароитларини яратиб берадиган, мамлакат тараққиётини таъминлашга хиз-

мат қиладиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик асослари яратилди. Қабул қилинган қонунлар лойиҳаларини халқ томонидан муҳокама қилиниши, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияларининг қонунлар қабул қилишдаги ролининг ортиб бориши, сиёсий партияларнинг фаоллигини ошиб бориши натижасида қабул қилинган қонунларда халқ иродасини ифодалаш таърибаси ва амалиёти шаклланди.

Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг ошиб бориши натижасида турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг ўз манфаатларини жамиятдаги ижтимоий кенгликларда ифода этиши учун шарт-шароитлар яратилди. Айниқса, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият юритишини таъминлашга қодир бўлган ҳуқуқий асосларни яратиши натижасида мамлакатда фуқаролик жамиятининг ўзига хос жиҳатлари шаклланиб бормоқда.

Мамлакатда мустақиллик йиллари собиқ тоталитар тузумда деярли йўқ қилинган миллий маънавиятнинг тикланиши ва тозада даври бўлди. Бир неча минг йиллар ичида шаклланиган миллий маънавият қисқа давр ичида давлат сиёсати, давлат бошқаруви, жамият ҳаёти, ҳуллас ҳар бир инсон фаолиятининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи мезонлардан бирига айланди. Анъаналар ҳар бир оилада, миллий давлатчиликни шакллантиришда, жамият ҳаётини ташкил этишда муҳим омил бўлишдан ташқари халқимиз миллий ўзлигини англашнинг ҳам манбаи сифатида намоён бўлмоқда. Бу жараёнлар ҳақида Президент Ислам Каримов ўзининг "Юксак маънавият

- энгилмас куч" асарида қуйидаги фикрни билдирган эди: "Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократия авваламбор маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир. ...Эътиборли томони шундаки, ислохотларнинг дастлабки босқичидан бошлаб ҳозирга қадар кенг қўлмали сиёсий, иқтисодий-ижтимоий дастур ва режаларимизнинг барчасида халқимизнинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалалар алоҳида устувор йўналиш сифатида кун тартибига қўйилмоқда".


Мустақиллик йилларида халқимиз миллий маънавиятини юксалиши, давлат томонидан миллий маънавият-мизни тиклаш соҳасидаги чора-тадбирлар натижасида миллатимизни ўзини ўзи англаши учун шарт-шароитлар яратилди. Халқимизда ўтиши бой ва келажаги истикболли миллатнинг барча сифатлари шаклланди.

Умуман олганда, мамлакатда мустақиллик йилларида инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши, эркинлиги ва фаровонлигини таъминлаш, тинч ва барқарор яшаш учун барча шарт-шароитлар - ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий асослар яратилди. Давлатнинг "Ислохотлар - ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун" тамойилни амалга ошириш муҳим ва устувор вазифа даражасига кўтарилганлиги, давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари озод ва обод Ватан, инсон учун фаровон ҳаёт яратишга қаратилганлиги мамлакатда амалга оширилган буюк ўзгаришларнинг кафолати бўлди.

Мунираҳон ҚОРИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикаимиз аҳлини, меҳмонларини энг улуғ ва энг азиз байрам Мустақиллигимизнинг 18 йиллик шодиёнаси ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг муборак 2200 йиллик тўй муносабати билан қизгин табриклайди ва филиалга қарашли бўлган барча алоқа бўлимларида қуйидаги хизмат турларини кўрсатади.




- ёзма хат-хабарлар;
- посылкалар;
- телеграмма жўнатиш;
- электрон пул жўнатмалари;
- шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашуви;
- газета ва журналларга обуна;
- газета ва журналларни чакана савдоси;
- халқаро тезкор почта хизмати;
- электрон почта, интернет;
- курьерлик хизмати;
- ксерокопия;
- барча турдаги коммунал тўловларни қабул қилиш;
- товар-почта;
- тўғридан-тўғри реклама (Direkt mail) хизмати;
- факс.



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!

Хар биримизга янгидан-янги орзу-умидлар, қувончлар улашаётган Мустақиллик байрами билан азиз ва меҳнаткаш юртдошларимизни чин юракдан муборакбод этади. Нурли келажагимиз бўлган навқирон, иқтидорли, интилувчан талаба-ёшларга бахт ва омадлар тилаймиз.

ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗДА ДОИМО ФАРОВОНЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ҲУКМ СУРАВЕРСИН!




ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ АМУДАРЁ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

“ARVIN” ҚАРШИ ШАҲАР МТҲЖ ЖАМОАСИ



Барчангизни Республикаимиз Мустақиллигининг 18 йиллик байрами ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи билан самимий муборакбод этади. Юртдошларимизга тинчлик-хотиржамлик, фаровон ҳаётингизда оилавий бахт ва истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда куч-қувват тилайди



МАЪНАВИЯТ

Миллий дастур — миллат қаноти

Биринчи қўнғироққа тайёрмиз

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Жамоанинг 80 фоизи ЎзМТДП аъзоси саналади, дейди мактаб директори. — Албатта, бу эътироф ва партияга хайрихолик ҳам бизни қувонтирди. Умуман, жамоанинг байрамолди ва янги ўқув йили олдидаги хушқайфияти шундоққина сезилиб турибди. Бу ўқувчи ва ўқитувчиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг нишонаси, десак янглишмаймиз. Яқинда туман халқ таълими бўлими ва туман марказий шифохонаси келишувига асосан мактабда ўқитувчилар ва қишлоқ аҳли бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Шунингдек, синфлардаги ва ўқитувчилар хонасидаги иситиш тизимлари ҳам янгиланди.

Тумандаги 1-сон умумтаълим мактабиди ҳам биринчи қўнғироқ ва мустақиллик байрами арафасида эътиборга молик ишлар қилинапти.

— Мактабимизни 2006 йил таъмирлаган эдик. Ушанда синф хоналари ва йўлакларнинг полини тахтадан қилганимиз яхши бўлган экан. Унинг самарасини қишда яққол сезасиз, дейди мактаб директори Мухиддин Муродов. — Шундан кўнра катта таъмирга муҳтож бўлгани йўқ. Лекин қириб ҳомийларимиз Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ва “Даврон”, “Когон” уруғчилик фермер хўжаликлари ёрдамида енгилгина таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Яъни парта-лар, стол-стулар, эшик-деразалар, иссиқлик тизимлари таъмирланиб, янги ўқув йилига ҳозирлаб қўйилди. Химия, физика, биология, тил-адабиёт, инглиз тили ва компьютер хоналари ўз ўқувчиларини кутмоқда.

Ушбу мактабда 63 нафар ўқитувчи 750 нафар ўқувчига сабоқ беради. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу ерда ўқувчиларни ҳар йили дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш йўлга қўйилган. Бу уч йўналишда — иҳара тизимидаги китоблар, мактаб кутубхона фонди ва ота-оналар олиб берган дарсликлар асосида олиб борилмоқда. Фарзандлари синфдан-синфга кўчаётган ёки битириб кетаётган ота-оналар ўғил-қизларининг китобларини мактабга қолдиришга розилик беришгани туфайли ана шундай имконият пайдо бўлди.

— Ўқитувчи мактабга шунчаки кун ўтказиш учун келадиган даврлар ўтди, дейди туман халқ таълимининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича бош мутахассиси Хайрулло Шамсиев. — Шу маънода ўқитувчиларимиз эътиборини ўз устида ишлашга, илғор педагогик усуллардан фойдаланишга қаратган. Халқ таълими вазирлигидан келадиган тавсиялар, услубий қўлланмалар ҳар бир ўқитувчига ўз вақтида етказилмоқда. Кадрларимиз Бухоро шаҳри ва пойтахтдаги кадрларни қайта тайёрлаш ва маънавият ошириш институтларида ҳам билимларини ошириб қайтишмоқда. Ўқитувчиларимизнинг савияси, дарс бериш маҳоратлари рейтинг баллари асосида баҳолашиб борила-яптики, бу уларни излашни, ўз билимларини оширишга ундамоқда. Одам ўз олдидаги мақсадни аниқ билсагина унга етиш учун куч-қувват ва шиддат билан интилади. Мақсадимиз ҳам аниқ — у миллат ва ватан равнақиға хизмат қиладиган, истиқлолимизни кўз қорачигидек асрайдиган ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир.

ХУҚУҚ ВА БУРЧ

Оила — муқаддас даргоҳ. Бош қомусимизнинг 67-моддасида “Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади” дейилган.

Оила масъулияти

уни ёшларимиз жиддий ҳис қилишлари лозим

Марат ИШБЕКОВ, ҳуқуқшунос

Дарҳақиқат, бизда турли ёшдаги, турли миллат вакиллари ўз ихтиёрлари билан оила қуришлари учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Аммо айрим оилалар турмушнинг арзимас синовларидан ўтолмай бузилиб кетаётганлигига судлар томонидан ярашиш учун берилаётган муддатлар ҳам, ҳамма нарса-ни вақт даволайди, деган оддий ҳақиқат ҳам барҳам беролмаяпти. Тўғри, оила қуриш ҳар бир шахснинг шахсий иши. Лекин Конституциянинг кафолатлаб берган “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши ҳуқуқига эга” эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Оила бузилиши ортида фарзандларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий инқирози борлиги жиддий масала. Фуқаролик судларига мурожаат қиладиган аксарият аёлларнинг муаммоси бир хил: у ҳам бўлса собиқ турмуш ўртоқларидан ўз фарзандлари учун алимент ундириб беришларини сўралган мурожаатлардир.

Юртбошимиз саховатли, болажон халқимиздаги бир қатор фазилатларни миллатимизнинг порлоқ келажакка уйғунлаштириш мақсадида мустақилликнинг илк кунлариданоқ озод юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш масалаларини давлат сиёсати даражасига кўтариб, умумхалқ ҳаракатига айлантириш вазифасини қўйдилар. Бу борадаги қатор Фармон ва Қарорлар эртаминг эгаларининг камолоти учун хизмат қилмоқда. Аммо кўнгли ярим бола, меҳрга зор ўғил-қиз ҳеч қачон баркамол бўла олмастлигини фарзандларини армонлар гирдобига ташлаб кетган ота-оналар тушунармикин?

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди томонидан кўрилган ушбу ишни оладиган бўлсак, қизил-тепалик Зухра Срочева ва Фазлиддин Порсоев билан турмуш қуриб, бор-йўғи олти ой яшадилар. Урталаридаги фарзанд ҳам оила боғида эмас, кўнглилар қаролигида дунёга келди. Оиланинг бузилишига йигитнинг ота-

онаси ва опаларининг ҳудуд-беҳуду аралашуви сабаб бўлган. Майда гина-қудратлар катталашиб, ҳатто янги дунёга келган фарзанд ҳам вазиятнинг юмшата олмади. Янги чақалоқни бориб кўриш, она-бола ҳолидан хабар олиш ўрнига бошқа оила қуриб олган ота Конституцияимизнинг 64-моддасида белгилаб қўйилган “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгуналарига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар” деган жумлаларини эшитмаганга ўхшайди.

Яна бир алиментчи ота Маъруф Рўзиевни эса икки жаҳон овораси дейиш мумкин. Биринчи турмуш ўртоғи билан икковлари ўртасидаги

муносиб эмаслигини эслатиш оғир, албатта. Аммо, начора.

Яна бир тоифа оила бошлиқлари бор. Улар никоҳни бекор қилиш вақтида алимент учун судга мурожаат қилиш шарт эмас, ўзимиз ўзаро келишиб олашимиз, болаларимизга ҳам ўзим мунтазам ёрдам бериб тураман, бошпана ҳам менинг ҳисобимдан, деб ишонтиради, ўртадаги никоҳ бекор қилингандан сўнг берган ваъдаларини унутади.

Кўп ҳолларда эр-хотин бир-бирига аччиқ қилиб, болаларни эмас, ўзини уйлаб чиқарилаётган хулосалар фарзандларимиз қалбини жароҳатлаётганлиги, уларнинг келажакни барбод

Яна бир тоифа оила бошлиқлари бор. Улар никоҳни бекор қилиш вақтида алимент учун судга мурожаат қилиш шарт эмас, ўзимиз ўзаро келишиб олашимиз, болаларимизга ҳам ўзим мунтазам ёрдам бериб тураман, бошпана ҳам менинг ҳисобимдан, деб ишонтиради, ўртадаги никоҳ бекор қилингандан сўнг берган ваъдаларини унутади.

фарзанд учун алимент тўлаётган бир пайтда, иккинчи турмуш ўртоғи ҳам уйга ҳеч нарса олиб келмаётганлигидан шикоят қилиб, икки фарзанди учун алимент тўласин, деб судга мурожаат қилгач масала яна чигаллашди. М.Рўзиев иккиси учун тўланаётган алимент миқдорини камайитиришни сўраб, судга ариза беришга мажбур бўлди.

Судларда кўриладиган алимент можаролари орасида касаликка чалинган болалар тақдирига дахлдорлари ҳам оз эмас. Фарзандидан бирор марта хабар олиш у ёқда турсин, ҳатто такрорий қақирилуларга қарамасдан судга келишни истамайдиган оталар ҳам бор.

Оила Кодексининг 103-моддаси 1-қисмига кўра, ота-она фавқуллода ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча ҳаражатларда иштирок этиши шарт, деб кўрсатиб қўйилган. Ҳаста боласи учун ўз отасидан суд орқали ёрдам сўраш бизнинг миллатимиз шаънига

қилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Юқоридаги ҳолатларнинг ҳар бири тўғрисида суд тегишли хулосага келиб, отасиз ўсаётган болаларга Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 99-моддаси 1-қисмига кўра, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота (она)нинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва ёки бошқа даромадининг бир бола учун тўртдан бир қисми миқдориди, ушбу модданинг 2-қисмига кўра эса ундириладиган алимент миқдориди ҳар ойда қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаган миқдорда ундирилиши тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилди.

Аммо отаси бўла туриб отасиз болалар тоифасига қираётган, ҳаёт чорраҳаларида мурғак ёшдан ташвишларга елка тутётган, қийинчиликларга дуч келиб қийналаётган ўғил-қизлар учун ота меҳри бебаҳо эканлигини эслатишни лозим топдик.

АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

“КЕБРУН” ХУСУСИЙ САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАМОАСИ

18 йил



Юртимиз халқини яқинлашиб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрамимиз - Мустақилликнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик шодиёнаси билан қутлаб, ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик тилайди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ БОШҚАРМАСИ

НУКУС МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Барча таълим ва фан ходимлари ҳамда

Ўзбекистон халқини энг улуғ ва

энг азиз байрамимиз - Мустақилликнинг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!



ЖАРАЁН

31 АВГУСТ - КАТАФОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Шофайзи ота

Тошкентнинг "Кўкча"дан "Бирлик" даҳаси ва "Ипакчилик"дан "Арчазор" кўчасигача бўлган ҳудудни обод қилиб, улкан суғориш тизимини йўлга қўйган

Умр дарёси оқиб ўтар экан, бу кўҳна дунёнинг хотира дафтаридан фақат яхши ном қолдирибгина саодатга эришмоқ мумкин. Келажак авлодлар сени қувонч билан эсламас экан, демаски, тирикчилигиндан эзгу ном қолдирмаганинг белгисидир бу... Ҳазил мулкининг султони Мир Алишер Навоий "Одами эрсанг демагил одамий, оники, йўқ халқ ғамидин ғами", деганида ана шу саодат калитига ургу берган эди. Зеро, инсонпарварлик ёки халқимиз тили билан айтганда, одамгарчилик туйғуларини бош тамойил деб билган инсон, наинки эли, Ватани, балки ўзи учун ҳам беқиёс наф келтира олади...


Ақобир САЙДОВ,
"Milly tiklanish" мухбири

Аждодларимиз ҳаётига назар ташласак юрт равнақи, эл манфаати йўлида беминнат хизмат қилган кўплаб беназир инсонлар номига дуч келамиз. Машаққатли онларда ҳам эркин, фаровон келажак қуришни бош мақсад деб билган бу каби инсонларнинг ҳаёти ҳамиша хавф остида бўлган. Тарих жафокаш заминимизнинг қора кунларини ҳали ҳамон унутмаган. Унута олмайди ҳам... Утган асрнинг истиклолигича бўлган қай бир йили, ойи, сониясини тилга олмайлик барчасида кўркүв, ҳадик, мўтелик шарпалари кезиб юрар эди. Қодирий, Чўлпон каби ватанпарвар шоиру ёзувчилар, Фитрат сингари серкирра олимлар билан замондош бўлган, эл ғами деб ширин жонини хавф остига қўйган Шофайзи ота ҳам бугун авлодлар тилида, дилида яшамоқда. Кимдир пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган "Шофайзи" маҳалласига бориш баҳона бу инсонни эслаб қўйса, қариялар, маҳалланинг нуруний отахону онахонлари "Шофайзи" маҳалласи номи-нинг тарихи ҳақида гапиришганида, "Тириклар бор тиригида ўлиқдир,

ўлиқлар бор мангуликка тирикдир", мисраларини эслашади.

Биз ҳам Шофайзи отани хотирлаш, қолаверса, қадим Тошкентимизнинг асрлар оша яшаб келатган бир гузари тарихи билан ошно тутуниш мақсадида ушбу маҳаллага ташриф буюрдик. Энг аввало маҳалла оқсоқоли, "Шофайзи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳматилла Турсуновдан жой номи билан боғлиқ мулоҳазаларини сўрадик.

- Бу ерлар илгаридан "Шофайзи қулоқ" номи билан аталган. Аниқ маълумотларга суянсақ, биринчи навбатда "қулоқ" сўзининг луғавий маънолари, кўчма маънода қўлланишига эътибор қаратишимиз жоиз. Собик шўро ҳокимияти даврида зиёлиларимиз "муштумзўр", "қулак" деган баҳоналар билан сургун қилинган. "Қулак" рус тилидаги сўз бўлиб, ўзбек тилида "қулоқ" шаклини олган. Лекин, буни қарангки, биздаги "қулоқ" сўзи мутлақо бошқа маъно беради. "Шофайзи қулоқ" номи ушбу инсоннинг суғориш тизимида амалга оширган ўзига хос ислохотларига бориб тақалади. Бу ердан "Кайковус" аригининг давоми оқиб ўтади. Шофайзи ота эса ушбу сув манбаидан унумли фойдаланиш мақсадида ўзига хос сув тақсимотини жорий



қилади. Оқдидий халқ тилида катта-кичик ариқларнинг боши қулоқ деб аталган... Сўхбатдошимиз таъкидлаганидек, аҳоли ушбу тизимни

яратган киши номи билан боғлаб, сув тармоқларини "Шофайзи қулоқ" деб атай бошлашган. Кейинчалик ушбу атама жой номига ҳам кўчиб ўтади...

Масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида шу маҳаллада истикомат қилаётган Дўстматовлар хонадонига ташриф буюрдик. Тўкин дастурхон атрофида бугунги осуда ва тинч замонга шуқроналар айтиб, дуога қўл очган хонадон соҳиблари истиклолимиз бардавом бўлсин, дея ният қилишди.

- Додамиз(Тошкент шеvasида "бобо"нинг синонимининг энг улуг ораси ҳам юртимизни озод ва обод қуриш эди,- дейди биз билан сўхбатда Шофайзи отанинг набираси 55 ёшли Дилбар Абдуллаева. - Умри мобайнида инсонийлик, халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйган Шофайзи отанинг туғилган йили тахминан 1880 йилларга тўғри келади. У ўз даврининг бой-бадавлат кишиларидан бири бўлиб, илму маърифатга рағбат қилган, тadbиркор шахс эди. Шофайзи ота Тожинисо ая билан турмуш қуриб, икки нафар фарзанд қўришади. Шундан кенжа фарзандлари Шожалил тақдир тақозоси билан Иккинчи жаҳон урушида Ватан ҳимоясига отланиб, бедарак йўқолади. Тўнғич фарзандлари, адам Шомансургина бу бўҳронли йиллардан омон қолдилар...

Шоғиёс Дўстматов, авараси (40 ёшда):
- Мен анча вақтгача Ўзбекистон Давлат архивига катнадим. У ердагилар менга қўлларидан келганича ёрдам беришди. Энг муҳими, шаҳарамиз, ундаги бир фидойи инсон ҳаёти билан танишдим. Ахир, халқимиз азалдан қариндош тутундигани томонининг етти пуштини суриштиргани бежиз эмас. Зеро, ўзбек халқи-га хос бу аънава ота-боболаридан

фахрлиниш ҳиссини уйғотиши баробарида уларга муносиб фарзанд бўлиб етишишга ҳам ундайди...

Шофайзи ота ёшлигида Тошкентдаги мадрасалардан бирида, кейин Петроградда ҳам таҳсил олган. Ўқини битиргач савдо-сотик ишлари билан шугулланиб, Буюк Ипак йўли орқали Эрон, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатлар савдогарлари билан ҳамкорлик қилади. Сўхбатдошимиз изланишлари натижасида "Кўкча"дан "Бирлик" даҳасига, "Ипакчилик"дан "Арчазор" кўчасига масофадаги ҳудуднинг Шофайзи ота бошқарувида бўлганини аниқлайди. Уша пайтларда Шофайзи ота ерлари "Чорсу" ва "Эски жўва" ҳудудидан ўтган Тўрт ариқ сувининг бири воситасида суғорилган.

Суръат Дўстматов, набираси (47 ёшда):

- Ёшлик йилларимизда Шофайзи ота бекати жойлашган ерда катта гузар бўларди. Эндиликда бу ер кўркамлашиб замонавий қиёфа касб этди. Кўрган бўлсангиз, тараққиёт руҳи уфуриб турган савдо расталари-ю маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилди... Яхшидан бoғ қолади деганларидек, Шофайзи ота ашаган замоннинг ноизқилиғига қарамай, бир-биридан ажойиб олмазор, узумзор каби мевазорлар етиштириб, камбағал оилаларга саховат кўрсатади. Саховатпеша инсон "Кайковус" ариғи бўйида катта тегирмон қурдиради, унинг ташаббуси билан мойжувоз ишга туширилади. Кесаларнинг хотирлашича, гузарда халқнинг дам олиши учун чойхона ва ошхона, маиший хизмат кўрсатишга асосланган чилангарлик, этикдўзлик сингари ус-тахоналар бунёд этилади...

Дарҳақиқат, Шофайзи отанинг ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаши орқали амалга оширилган ишлар даврининг бой-бадавлат инсонии сифатида фақат ўзини эмас, атрофдагилар турмушининг яхши-ланиши, туғилиб ўлган заминнинг тараққий топиши учун хизмат қилганини аниқлади. Зеро, миллатимиз манфаати учун қайғурган жадидларимиз фақирлар ва етимлар учун мактаблар, дорилфунунлар солиб бериш, замонавий касалхоналар очиш, жамияти хайриялар тузиб, ёш авлоднинг илму маърифатли бўлиши учун замин яратувчи бойлар бизнинг фахримиз бўларди, дегани сир эмас. Жумладан, Беҳбудийнинг баъзи исрофгарчиликлар-



дан кўнгли қолиб: "Бизникилар жуфта оти ила, аробаси ила, тўйи ила ва ... си илами фахр этар?" дея қайғургани ҳали ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган. Афсуски, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида амалга оширилган халқнинг зиёли, маърифатпарвар, тadbиркор фарзандларининг оммавий қатлидан Шофайзи ота ҳам қутилиб қола олмайди. Халқимизнинг миллий қадриятларини асрашга қодир инсонлар турли найранг ва фитналар оқибатида катафон қилинди. Шофайзи ота ҳам шулар қаторида бу дунёни эрта тарк этади.

Сўзни яна Шоғиёс Дўстматов давом эттирди:

- Тожинисо ая икки фарзанди билан ёлғиз қолади. Бу ҳам болаларининг келажакда халқ душмани фарзанди сифатида таъкибга учраши олдида ҳеч нарса эмас эди. Бу "тамағ"дан қўтилмоқликнинг ягона чораси бошқа бировга турмушга чиқиб, лозим бўлса, фарзандларини ҳам унинг номи билан расмийлаштириш эди. Шундай ҳам бўлади, ая Дўст исмли бир дехқонга турмушга чиқади...

Элининг суюкли инсонларидан бирининг оиласи ҳаёти шу билан расман якун топади. Гарчи фамилия ўзгарган бўлса-да, яқин тарих қаҳрамонларидан бирининг номи халқ, Ватан йўлида олиб борган ишлари мангуликка дахлдор бўлиб қолди, десак муболаға бўлмайди.


Дилбар Абдуллаева, набираси:

- Адам Шомансур Дўстматов шеър ҳам машқ қилиб турардилар. Ана шулардан бири ёдимда. Унинг замирида Шофайзи отанинг қисмати-га муносабат яширинган: *Илдиз отган дарахт сўлмайди,*

Ахир унинг илдизи бор-ку. Фарзандликни номи ўлмайди, Номин сақлар авлоди бор-ку. Анинг номи билан аталур, Ўғил, қизу, набира ҳали...

Анинг номи билан бошланур, Барчасининг таржима ҳоли... Дилбар опанинг таъсирланмиш шеър ўқини бизнинг юракка ҳам кўчди. Ундаги ҳаяжон билан бирга, мустақилликдан сўнг сохта айблов, тухматга учраган бу каби инсонларнинг номи оқланганлигидан, ўзлимизни таниш баробарида томирларимизда ватанпарвар аждодлар қони жўш уриб оқатганидан фахллана бошладик. Айниқса, "юртимга бир марта бўлса-да ташриф буюрмаган шахслар" номи тиркалган кўча-ю хибонлар, маҳаллалар, метро бекатларидан тортиб бошқа жой номларига ҳақ ўзининг асл атамасига эга бўлганидан қувондик. "Шу жой, шу юрт учун" жон фидо қилганлар номи абадийлаштирилди.

Маҳалла оралаб йўлимизга равона бўлар эканмиз, балки Шофайзи отанинг руҳи ҳам айни дамдаги ўзгаришларни кўриб шод бўлаётгандир, деган ўй кўнгилдан кечди. У бир пайтлари якунига еткази олган бунёдкорлик ишлари бугун орзудагидан ҳам зиёдроқ бўлиб, кўр тўки турибди. Дикқатга сазовори, тасо-дифанми қулогимизга қарнай-сурнай садолари чалинди. "Кўшни тўй қилапти", деб қолди бизни кузатиб чиққан мезбон. "Ўзбекка тўй яради-да, нима дейсиз?".. Чиндан ҳам қадриятлари қайта кўз очган, ўз-лигини топган халққа тўй ярашади. Ҳали тўйлар олдимизда, мустақил-ликнинг 18 йиллиги, жонажон пойтахтимизнинг 2200 йиллиги... Шу кунларга етказганига шукр!



"АГРОБАНК" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ


барча юртдошларимизни энг улуг ва энг азиз байрамимиз - мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги шодийнаси ҳамда азим Тошкентимизнинг 2200 йиллиги тантанаси билан самимий муборакбод этади!

Истиклол йўлларимизни нурафшон, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга эрк, халқимизга фаровонлик ато қилгани рост бўлсин!


БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН "АГРОБАНК" БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ЙИЛЛИК 26 ФОИЗ ДАРОМАД ТўЛАНДИГАН

"МУСТАҚИЛЛИК" (муддатли)
"ТОШКЕНТ - 2200 ЁШДА" (муддатли)
"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" (жамғарма)
номли омонат турларини таклиф этади!


Шу билан бирга, дунё бўйлаб молиявий эркинликни қўлга киритишни истасангиз, "Агробанк"нинг "Visa Card"лари соҳиби бўлишга шошилинг!



«Visa Electron» - дунё амалиётига қулай бўлган тўлов карта бўлиб, илк бор тўлов картасини қўллаётган истеъмолчилар ҳамда чекланган даромадли мижозлар, талабалар, ёшлар учун таклиф этилади.



«Visa Classic» - универсал тўлов картаси ҳисобланиб, бутун дунёнинг ҳамма банкоматларида, реал ва виртуал дўконларида ҳамда телефон ва почта хизмат орқали маҳсулотларни харид қилиш дўконларида фойдаланиш учун қулайдир.



«Visa Gold» - энг нуфузли тўлов карта ҳисобланиб, бошқа хизматларга қўшимча равишда сизга дунё бўйлаб саёҳатга чиққанингизда, лозим бўлган ҳолларда, тиббий ёрдам ва юридик хизматлар кўрсатилади.

БУТУН ЖАҲОН БЎЙЛАБ. СИЗ УЧУН. ЯНГИ ЗАМОН МАҚОМИ. ИШОНЧЛИ, ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ БАНК ХИЗМАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

"АГРОБАНК" - ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!

НИГОҲ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Бехбуд БОТИРОВ

Газетамизнинг ўтган сонидан ёзув дафтларнинг муқовалари ҳақида тахлил мақола чоп этилиб, унда матбаа маҳсулотларининг сифати, мафкуриси, маънавиятимизга таъсири, ота-оналар, ўқувчи-ёшлар ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тилга олинди. Таҳририят жорий янги ўқув йили бошланаётганини инобатга олиб, маззун янада кенгрок очиб бериш, бу борада ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар, соҳадаги ўзгаришлар ҳақида навбатдаги материални беришни лозим топди. Маззу шу ҳақда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 18 август куни таълим муассасалари ўқувчи-талабаларини "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари ҳамда миллий маънавиятимиз ва кадрларимизга мос сифатли ёзув дафтларини билан таъминлаш ишларини тақомиллаштириш мақсадида "Истеъмол бозорини ёзув дафтларини билан таъминлашнинг тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 234-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор юзасидан ишлаб чиқилган дастурга кўра, миллий маънавиятимизга зид ҳамда сифатсиз ёзув дафтларини юртимизга олиб киритилишини олдини олиш ва сотилишига йўл қўймаслик, мамлакатимиздаги ёзув дафтларини ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланган. Хусусан, келаси ой - сентябрдан бошлаб Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида махсус ишчи гуруҳи ташкил этилиб, жойларда ёзув дафтларини безатишнинг таълим жараёни талабларига жавоб беришини таъминлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Шунингдек, ёзув (шу жумладан, кундалик, расм) дафтларини сифатини назорат қилиш, хомашёни қабул қилиш ва уларни ишлаб чиқаришда тегишли талабларга риоя этиш бўйича соҳа мутахассисларини ўқитиш курслари ҳам ташкил этилади. Ишлаб чиқарувчилар ёзув дафтларини ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган қоғоз бўйича қўшимча қиймат солиғидан озод қилиш, импорт қилинадиган бошқа хомашё технологик асбоб-ускуналар эҳтиёт қисмлар бўйича божхона тўловларини мақбуллаштириш юзасидан

Дафтларлар муқоваси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан миллий кадрларимизга мос сифатли ёзув дафтларлар ишлаб чиқаришга қаратилган қарори қабул қилиниб, бу борада тегишли чора-тадбирлар бошлаб юборилди



дан Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритиш, сотувга чиқарилган ўқув анжомлари сифати юзасидан доимий мониторинг олиб бориш кўзда тутилган. Биз бу борада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида бўлди.

Ҳукуматимиз томонидан савдога чиқарилаётган ёзув дафтларига эътиборнинг кучайтирилгани бежиз эмас, дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Матбаа корхоналарини сертифицилаштириш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Рўздат Тоиров. - Тан олиш керак, ўтган йиллар давомида республикамиз истеъмол бозорига чиқарилаётган дафтларлар ўзининг мазмун-моҳияти, дизайни ва тайёрланиши амалдаги давлат ва тармоқ стандартлари, техник шартлар талабларига жавоб бериш қўйди. Давлат ва нодавлат матбаа корхоналари томонидан истеъмолга чиқарилаётган, шунингдек, хорижий давлатлардан келтирилаётган дафтларларнинг аксарияти бизнинг миллий-маънавий мафкурамизга тўғри келмаётгани ҳам бор гап. Ташкилотимиз томонидан жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах, Сирдарё, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида айнан шу мазгуда бағишлаб семинар-тренинглари ташкил этилди. Асосан матбаа ходимлари, ота-оналар ва албатта, ўқувчи-ёшлар иштирок этган бундай учрашувларда қонуниликка риоя этиш, иш юритишда миллий манфаатлар, анъаналарни инобатга олиш бо-

расида маълумот ва кўрсатмалар берилди. Ишчанлик, бахс-мунозараларга бой бўлган тадбирларда ахборот-тушунтириш ишлари кўнгилдагидек олиб борилди.

— Ҳўш, ўзгариш ва натижалар борми?

— Бир мисол. Ота-оналар фарзандларига ҳақиқий ўзбекча ёзув дафтларлар - миллий кадрларимизга мос, алломаларимиз акс этган сифатли маҳсулотларнинг кўпайиши тарафдори. Матбаа корхоналари ҳам дастлаб фойда деб, фақат бугунги ўйлаш нотўғри эканлигини тушуниб етишмоқда. Авваллари санъаткорлар, беҳаё суратлар акс этган маҳсулот бозо-

Бундан 2-3 йиллар аввал дафтларлар "санъат афшаси"га айланиб қолганди. Кейинчалик улар ўрнини турли мультфильмлар, сериаллар қаҳрамонлари эгаллади. Охири 1-2 йиллик кузатувлар шуни кўрсатадики, бу борада босқичма-босқич олиб борилаётган чоралар натижасида савдо расталарида беҳаё суратлар, манзил кўрсатилмаган сифатсиз дафтларлар сони бирмунча камайиб бормоқда.

ри қанчалик чақон бўлган бўлса, бугунги кунда улар савдо расталарида шунчалик кўп "туриб қолмоқда". Аҳоли ҳам бироз қимматроқ бўлса-да сифатли, фарзандларининг улуг аждодлари сурати жойлаштирилган дафтларларни олиб беришмоқда.

— Фикрингизни маълумотлар билан тўлдирсангиз...

— Яқинда "Ўзбекистон" нашриёти матбаа ижодий уйи томонидан 3 миллионга ўсиб келаётган ёш авлод онги, тафаккури ҳамда тарбиясига мос дафтларлар (суратнинг пастки қаторидаги маҳсулотлар назарда тутилмоқда) ишлаб чиқарилиб, Халқ таълими вазирлигига берилди, эркин сав-

дога эса 1 миллион донга чиқарилди. Ҳозирга қадар яна шунга ўхшаш маҳсулотлардан 500 минггача сотиб бўлинди. "Ўзбекистон" нашриёти матбаа ижодий уйи директори ўринбосари Маҳмуд Зайтвонинг маълум қилишича, айни пайтда яна 1 миллионга шундай сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ишлари якунланмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жойларда пулни орқасидан қувиб, ишдаги айрим талабларни эсдан чиқариб қўётган "тадбиркорлар" ҳам йўқ эмас. Яқинда Тошкентдаги "Кўйлик буюм бозори" ҳудудига олиб борилган текширув ишлари натижасида бу ердаги мактаб бозорларида 18-19, 80, 86 ва 111-сонли расталарда ишлаб чиқарувчи ва муаллифи кўрсатилмаган математика дафтларлари 1000 сўмдан 1500 сўмгача бўлган нархда сотилаётгани аниқланди. Сотувчиларнинг гапига кўра, улар ушбу маҳсулотларни "Сольничный" канцелярия анжомлари бозоридан олиб келишган экан. Шунингдек, яқинда Тошкент шаҳри Алгоритм даҳасида жойлашган хусусий тадбиркор Шўҳрат Бобоев томонидан 39 200 та ностандарт дафтлар маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани аниқланди, айни пайтда бу ҳолат юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг барча ҳуқуқий асослари ва стандартлари ишлаб чиқилган. Агар матбаа корхоналари фаолиятида қонун ҳужжатлари талаби бузилиб ҳолати аниқланса, уларга тегишли тарзда тақдимнома кири-



тилади. Агар бу ҳол яна такрорланадиган бўлса, корхона фаолиятини тугатишга бўлган чоралар кўрилади. Шунга қарамай, "учар" тадбиркорлар томонидан сифатсиз, таълим талабига мос бўлмаган дафтларлар сотувга чиқарилиши давом этмоқда. Бундай товарларни сотиб олишда харидорлар унинг сифатига, ишлаб чиқарган корхона манзилига жиддийроқ эътибор қаратишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, рухсатномаси бор корхонанинг маҳсулоти нафақат қоғоз хомашёсининг сифати афзаллиги, балки муқовалардаги суратларнинг маънавий-ахлоқий талабларга жавоб бериши жиҳатлари билан ҳам "уддабурон" тадбиркорлар маҳсулотидан тамоман фарқ қилади.

Рўздат Тоировнинг айтишича, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига Халқ таълими вазирлиги томонидан юртимиз ҳудудида тайёрланаётган дафтлар маҳсулотларига қўйилаётган талаблар тўғрисида тавсиялар келган ва улар барча дафтлар ишлаб чиқарувчи матбаа корхоналарига амалда қўллаш учун юборилган. Унда турли фанлар бўйича дафтлар қандай безатилиши, муқоваси, мазмуни, ранги, ёзувларнинг жойлашуви, техник талаблар, ҳатто варақдаги хошиялар кенглиги - қўйингки, дафтларни яратилиш жараёни аниқ ҳисоб-китоблар асосида келтирилган. Тавсияда адабиёт, дунё фани ва техника ривожига улкан ҳисса қўшган энг буюк 8 нафар бобоқалонларимизнинг машҳур байт ва газаллари ўрин олган. Хорижий давлатлар тажрибасига ижодий ёндашган ҳолда 5-9-синф ўқувчилари учун дафтлар муқовасини фанлар йўналишида жиҳозлаш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган. Масалан, химиядан тунтиладиган дафтлар муқовасининг 3-бетига Менделеев даврий jadвали, физика дафтларига эса физик қонунлар, тарих учун тарихий саналар жойлаштирилиши лозим.

Биз таъкидлаган оддий дафтларни ўқувчи ҳар куни қўлига олади, у билан ҳар дақиқа мулоқотда бўлар экан, ҳар бир кўриниши, шакли, расми - ҳамма-ҳаммаси ўқувчини тарбиялашга, дунёқаролини бойитишга хизмат қилади. Бу ҳам бир тарбия, тарбия эса туб моҳияти билан жамият қўламида амалга ошириладиган ишдир. Янги асрда жамиятимиз маънавий янгиликлар ва юксалишлар сари бормоқда. Дафтлар ҳам ўқувчи маънавиятини шакллантиришга хизмат қилар экан, маънавий давлат сийосатининг устувор йўналиши эканлигини эсдан чиқармаслик лозим.

ЖУМА ТЕХНИКА ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ МЧЖ ЖАМОАСИ

Энг улуг ва энг азиз байрам ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи билан барча юртдошларимизга, зиёли, илм-маърифатли инсонларга муваффақиятлар, эзгу ниятлар ёр бўлишини тилайди.




Бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гарови бўлган мустақиллигимиз абадий бўлсин. халқимиз эришяётган ютуқлар қўлами кундан-кунга кўпаяверсин.

БОЙСУН ТУМАНИДАГИ ДАВЛАТ 10-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ ИНТЕРНАТИ ЖАМОАСИ



Барча ватандошларимизни истиқлолнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи билан табриқлайди. Фаровон ҳаёт, эл-юртимиз тинчлиги, равнақи йўлидаги барча эзгу ишларимиз бароридан келсин.


Серқуёш Ўзбекистонимизнинг меҳнатсевар ва фидойи, илмга чанқоқ инсонларини энг улуг ва энг азиз байрам билан муборакбод этади.



Бунёдкор, яратувчан халқимизга оилавий бахт, сиҳат-саломатлик, тинчлик-тотувлик тилайди. Хонадонингизни ҳеч қачон яхшилик ва муҳаббат тарқ этмасин.

ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИДАГИ "БЕШБЕК" МЧЖ ЖАМОАСИ

БОЙСУН АГРОСАНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ



Халқимизнинг энг улуг ва энг азиз байрами ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади. Эзгу ниятлар изҳор этиладиган ушбу қутлуғ кунда барчангизга хуш кайфият, Ватан тараққиёти йўлидаги ишларингизга омадлар тилаймиз!

VATAN TUVG' USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолиб-шер ЗИЯЕВ, Сувоп НАЖИДИНОВ, Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Фафурҷон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарлиқни ўз бўйнига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-723, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмаи ХУДОЁЕВ
Навбатчи:
Бехбуд БОТИРОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00.

БАЙРАМ ТИЛАКЛАРИ

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ



Барча ҳамюртларимизни яқинлашиб келаётган мамлакатимиз Мустақиллигининг камолот ёши - 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади. Она Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги фидойи ишларингизда омад Сизларга ёр бўлсин!

Байрам муносабати билан Сизларга қуйидаги янги юқори фоизли омонатлар таклиф этилади:

“АЛОҚАДА МУСТАҚИЛЛИК” ОМОНАТИ

Маблағлар 3, 6 ва 12 ой муддатга қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда берилади. Ҳар бир омонатчи қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

“ЮБИЛЕЙ” НОМЛИ БОНУСЛИ ОМОНАТ

6 ва 12 ой муддатга қўйилган маблағларга ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олиш мумкин. Омонат муддати тугаганда қўшимча бонусли фоизлар тўланади.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Қўшимча маълумотларни 252-78-86, 237-49-36 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган филиалдан олишингиз мумкин.

ЮКСАВЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлган мамлакатимиз МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ ва азим ТОШКЕНТИНИНГ 2200 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади.

Байрам муносабати билан сиз азизларга янги “САЁҲАТ”, “САХОВАТ” ҳамда нуруний отахону онахонлар учун “НУРОНИЙ” миллий валютадаги омонат турларини ТАКЛИФ ЭТАДИ

“САЁҲАТ” - ютуқли омонат камида 50 000 (элик минг) сўм миқдорда йиллик 10 фоиз даромад тўлаш шarti билан 2009 йилнинг 10 августидан бошлаб 1 ноябрга қадар қабул қилинади.

“САХОВАТ” - жамғарилувчи омонат турига чекланмаган миқдорда пулда йиллик 24 фоиз даромад тўлаш шarti билан қабул қилинади. Мазкур омонат бўйича фоиз даромади ҳар ойнинг 1-санасига қадар ҳисобланади ва мижознинг биринчи талаби бўйича берилади.

“НУРОНИЙ” - омонатига маблағлар республикамизнинг барча туман ва шаҳарларининг ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланган пенсия ва нафақа пулларини нақд пулсиз кириш йўли билан Халқ банкининг барча муассасалари томонидан қабул қилинади ва йиллик 10 фоиз миқдорда даромад тўланади. Йил якунида эса барча фоиз даромадлари омонатчининг биринчи талаби бўйича берилади.

ЯРАТИЛГАН ИМВОНИЯТЛАРДАН

УНУМИН ФЙДАЛАНИШ

ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИ
ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
КАФОЛАТЛАНГАН

Мурожаат учун тел: 150-12-91
Хизматлар лицензияланган. Лиц №35.25.01.2003

ЎЗМТДИ СИРДАРЁ
ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Қутлуғ айём - Мустақилликка эришганимизнинг 18 йиллиги ва Шарқ дарвозаси бўлмиш пойтахтимизнинг 2200 йиллиги билан чин дилдан табриклайди.

Барчангизга мустақкам соғлиқ,
бахт-саодат ва юртимизни равнақ топишидек
эзгу фаолиятингизда омад тилайди